

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 37 (66012)
1997 йил, 17 май, шанба

Сотувда эркин
нархда

СИНОВДА ЯНГИЛИК

Охирги кўнғироқ садоси кулоқларимиз остида кетмай туриб, имтихонлар эшик қоқади. Эҳ!... имтихонлар... Кимлардир уларни кўнғироқлик, хотиржамлик билан, кимлардир хаяжонланиб, кимлардир бош қашиб кутиб олади...

Келинг, яхшиси имтихонлар ҳақида Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Гуландом опа Алимова жавобларига кулоқ туйтайлик:

— Гуландом Яҳёевна, бу йилги имтихонлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Уқувчиларни синфдан-синфга кучириш тартиблари ва якуний аттестацияларни утказиш буйича йуриқномалар тайёрлаганмиз. Унга қўра барча умумтаълим мактабларида уқув машғулоти 24 майда тўхтатилади.

26 майдан имтихонлар эрталаб соат 8.30 да бошланади. Оғзаки имтихонларга тайёрланиш учун 15—20 дақиқа вақт ажратилади. Ёзмада имтихон билетлари солинган пакет уқувчилар олдида очилади.

— Битирувчи синф уқувчилари қандай фанлардан имтихон топширадilar?

— 11-синфларда имтихонлар 26 майдан 7 июнгача.

11-синфларда 26 майдан 14 июнгача бўлиб, улар қуйидаги фанлардан имтихон топширадilar:

9-синфлар, МАТЕМАТИКА ёзма.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ёзма (ижодий баён).

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ оғзаки.

ЎЗБЕК ТИЛИ (уқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) оғзаки.

РУС ТИЛИ (уқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) оғзаки.

заки.
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ.

11-синфларда ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ёзма (иншо).

МАТЕМАТИКА ёзма.

ФИЗИКА оғзаки.

КИМЁ оғзаки.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР (инглиз, француз, немис) оғзаки.

ЎЗБЕК ТИЛИ (уқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) оғзаки.

РУС ТИЛИ (уқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) оғзаки.

— Бу йилги имтихонларга қандай ўзгаришлар, янгиликлар киритилган?

— Бошқа соҳаларда бўлганидек, таълимда ҳам тўб ислохотлар кетмоқда. Жумладан, бу йилги битирувчи синф уқувчиларининг билими якуний аттестациядан утказилади. Бундан ташқари, уқувчиларнинг билимини ёндош фанлар буйича блок тизимида синаб ку-

риш кузда тугилган. Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоят марказларида «Правец—8» «IBM—PC» русумли компьютерлар билан таъминланган, қулай шарт-шароит ва имкониятга эга булган мактабларнинг 11-синф уқувчилари:

а) ЭҲМ ёрдамида тест-синов тарзида;

б) ФИЗИКА, КИМЁ, ЧЕТ ТИЛИ — рус тили (ўзбек мактабларида);

ЧЕТ ТИЛИ — ўзбек тили (рус мактаблари)дан утказиладиган оғзаки имтихонлар икки босқичда блок тизими тарзида аттестация қилинади. Юқорида айтилган мактабларга имтихонларга юбориладиган компьютер дискетлари Республика Таълим методика Маркази мутахассислари томонидан тайёрланган.

— Уқувчилар айрим фанлардан ўзлаштира олмасалар ёки якуний баҳоси ижобий бўлмаса қандай чора кўрилади?

— Албатта, бундай ҳолатларнинг бўлиши ҳам табиий. Бундай ҳолларда уқувчиларга 2 ҳафта муддатга ёзги ўқув топшириқлари берилади. Топшириқ олган уқувчига гуруҳ ёки яқка тарзда машғулотлар уюштирилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланиши шарт.

— Қандай ҳолларда ўқувчи битириш имтихонидан озод қилинади?

— Касал, болаликдан ногирон уқувчилар касалликка доир ҳужжатлари (ВКК) булган ва мактаб директори томонидан тасдиқланган ҳолда ўқувчи битириш имтихонидан озод қилинади.

— Битириш имтихонларининг барчасини «аъло»га топширган ўқувчилар Олий ўқув юртларига киришлари учун имтиёзлар бериладими?

— Бундай ҳолларда уқувчиларга «мақтов ёрлиғи» ва «намунали» шаходатнома берилади, бироқ Республика олимпиадаларидан 1, 2, 3-уринларни эгаллаган уқувчилар ўзлари голибликни қўлга киритган фанлари буйича Олий ўқув юртига тест синовларисиз киришлари шубҳасиз!

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: Дилрабо ДАВЛАТОВА.



Имтихонга тайёргарлик.

Сураткаш: Р. АЛБЕКОВ.

ҒАЗАЛНИ СЕВГАН ҚИЗ

Исми жисмига монанд, кузларида ҳайрат акс этган, суҳбатдоши қалбига йул топа оладиган Нодира Миробод туманидаги 110-мактабнинг 10-синфида ўқийди. «Камолот» жамгармасининг стипендияси номзоди.

— Биз тўрт қиз — Дилноза, Ҳилола, Муҳаббат ва мен жуда қалин дугоналармиз, дейди у.

— Қайси уқитувчиларингизни кўпроқ ҳурмат қиласан?

— Физика фани муаллими Умида опа Тухватуллина, математика фани муаллими Муҳриба опа Умароваларни жудаям яхши кураман.

— Демак, аниқ фанларга қизиқар экансан-да?

— Ҳа, физика, математика, мененжмент, информатика

фанларига кўпроқ қизиқаман.

— Бўш пайтларингизда нима билан машғул бўласан?

— Китоб ўқийман. Чет эл болалар адабиётини, фантастик асарларни ўқийман. Навоий, Машраб ғазалларини ўқиб, тушунишга ҳаракат қиламан. Қийналган пайтларимда дадамлар ердан берадилар.

Нодира ғазаллар таҳлили, улардаги мазмун моҳияти, гузаллиги ҳақида тулқинланиб гапирарди.

Қуешлик истасанг, касби камол эт,

Камол аро касб этарсен, бемалол эт.

Киши таълимдан топса маломат,

Топар илм аҳли олдинда ҳижолат.

Навоий бобомизнинг ушбу мисраларини яхши кураман. Одамлар қалбига зиё таратадиган мисралар. Навоийда яна бир байт борки, унда

Эрурсен, шоҳ — агар огоҳсен,

Агар огоҳсен, сен — шоҳсен,

дейилади.

Нодира берилиб ғазал ўқир эдики, гўё овозида сеҳр бордай.

Дарҳақиқат, 15 ёшида куплаб ғазалларни ед билиши, мумтоз адабиётга меҳр куйиши, тинимсиз изланиш Нодиранинг келажагига умид боғлайди.

— Нималарни яхши кўрасан?

— Эҳ-ҳа, уларни санаб тугатолмайман.

— Нималарни ёмон кўрасан?

— Ҳасадгуйликни, елғончи-

Аълочи

ликни, ваъда бериб уни бажармасликни.

— Нималарга қизиқасан?

— Ширинликлар, айниқса торт пиширишга жуда ҳам қизиқаман.

— Нодира, сенинг ёшингдаги қизлар жуда кўнғироқ, шўх бўладилар. Сен эса жиддий қиз экансан.

— Табиатан шундайман, бу дадамдан утган бўлса керак. Дадам жиддий кишилар. Бизларга ҳам беҳудага вақт сарфламасликни, кўпроқ ўйлаб, камроқ гапиришни ўқирадилар.

Ойим эса: Орзуга интилган инсон ҳеч қачон қийинчиликлардан қўрқмайди, дейдилар. Шунинг учунми, ҳар бир ишга астойдил киришаман. Агар кўнглим тулмасга узимни ожиздек сезаман.

Феруза ОРИПОВА суҳбатлашди.



УЙИНГ — ВАТАНИНГ

Учинчи май куни Республика Президентини Исроҳ Каримов Сурхондарё вилоятида булди. Бу ерда у чегара масканларидан бирида бўлиб, ҳарбийларга яратилган шароит, ватанимиз сарҳадларини қуриқлаётган аскар ва зобитларнинг ҳушёрлиги, жанговар тайёргарлиги билан танишди. «Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир», деди Президент. «Она Ватан эса — сен тугилган уй, унда қолган ота-онанг, туғилганларинг, еру биродарларинг демакдир». Бу айтилган гаплар эртами-индин йигитлик бурчини уташга ҳозирданок тайёргарлик қилиб юрган угил болаларга асқотиши шубҳасиз.

САНЪАТ САРЧАШМАЛАРИ

Глиэр номидаги республика мусиқа мактабида урта махсус санъат билим юртлари мусиқа ижрочиларининг XIV Республика таълови утказилди. Унда Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Қарши, Бекобод ва Гулистон шаҳарларидан 46 нафар ижрочи иштирок этди. Айниқса, Успенский номли мусиқа билим юртидан қатнашган ун икки нафар уқувчи муваффақият қозониб, танловнинг куплаб ёрлиқларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, бир қанча мусиқа уқитувчилари ва раҳбарлари ҳам муносиб тақдирландилар.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Куни кеча кенг жамоатчилик дилкаш инсон ва адиб, моҳир журналист ва шоир Анвар Эшоннов таваллудининг 60 йиллигини нишонлади. Қайсидир жиҳатлари билан устоз Ғафур Гуломни эслатувчи, насрий асарлари тилининг жиҳолари, юмор ҳисси билан Абдулла Қодирийга оҳангдон бу ижодкор ижоди куп ва хуп эди. Анвар акани билган, бирга ишлаган, ақалли бир марта суҳбатлашган киши бу инсон ҳақида фақат яхши гап айтиши турган гап. Зеро, яшаганга яраша шундай янасанг-да...

Биласизми?

СОҲИБҚИРОН
ТАНГАЛАРИ

Темур номи билан боғлиқ булган танга 1372 йил билан ифодаланади. У олтин, кумуш, мис тангалар зарб қилдирган. Аммо олтин тангалар аҳён-аҳёнда зарб қилинган. Пул системаси асосан кумуш тангага асосланган эди.

Темур ва темурийлар даврида зарб қилинган тангалар қатор хусусиятлари билан бошқа давр тангаларидан фарқ қилади.

Масалан, тангаларга махсус тамга босиш ана шундай хусусиятлардан эди. Бундай нақшлар Чигатойлар даври тангаларига XIII асрда солиниб, XV асрга келганида кенг қўлланила бошлаган. Улар думалоқ, турт бурчак, ГУЛГА УХШАШ ва ҳоказо шаклда булган.

Улуғбек даврида пул реформаси утказилди. 1428 йили аввалги йилларда чиқарилган мис тангалар савдода ишлатиш таъқиқланганлиги, уни янги тангаларга алмаштирилиши мумкинлиги туғрисида қарор чиқарилди. Эски тангаларни алмаштиришга қулайлик туғдириш учун Андижон, Тошкент, Шохруҳия (олдинги Бинакет шаҳри) Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва Хисорда янги пуллар ягона нусха буйича зарб қилинган. Пул алмашиш тамом булгандан сунг Бухородан ташқари қолган ҳамма шаҳарларда танга зарб қилиш корхоналари епилган.

Сухбатдошимиз илк автомобил дарсликлари муаллифи, профессор Худойберган Маматохун Қатортерак ўғли.

—Эйнштейндан: — Илмга нима учун киргансиз? — деб сурашганида у қисқагина қилиб: ПУЛ УЧУН! — деган. Лекин, қорин тўйган (иқтисоди унланган)дан кейин, у: Пул топиш мен учун II-даражали масала. Энди асосий мақсад: Физика! Физика! Физика! — деган. Ва яна деганки: ҳозир мени (72 ёшимда) Америка ҳукумати давлат таъминотига олди, яъни нима истасам муҳайё. Лекин менга шу вақтда (72 ёшимда) 1 пачка печенье, 1 шиша кефир етарли.

—Худойберган ака, сиз бу саволга қандай жавоб берганбулардингиз? Мана сиз илк фаолиятингизни умрингизнинг энг гуллаган чоғи — 25 ёшингизда изотоплар — ута хавфли жисмлар билан ишлашдан бошлаган экансиз. Сиз, ушанда, илм учун иш бошлаган эдим, деб ҳисоблайсизми? Илтимос, фақат ростини айтинг.

— Модомики фақат рост гапни айтишим керак экан, айта қолай. Мен ушанда илм орқали ҳалол пул топиб, аҳволимни унглаб, иложи булса уйланиш ниятида эдим. Илм кетидан 10 йил юриб, 35 ёшимда иқтисодим унлангач, асосий мақсад автомобилшунослик буйича илк дарсликларни ёзишга киришдим. Диққат қилинг, мен ушанда машина

Илмнинг оғир йўли


олиш, дачали булиш, янада бойиш ташвишига тушганим йўқ. Болаларим тарбиясига етарли пул булгандаёқ асосий мақсад изига тушдим. Менга ҳам, улуғ Эйнштейнга ухшаб, аслида куп нарса керак эмас экан.

Мен камбағал эдим. Камбағаллик неча 10 йиллаб умрим

«Дамас»

ни еди. Маррага етиш имконим, албатта қўзилди, қийинлашди. Лекин мен бундан афсусланмайман. Оллоҳ, балки мени қийинчиликда имтиҳон қилиб, бу ҳаётни англагач, бутунги даражага етказгандир. Изотоп билан ишлашни ҳам балки узи ирода қилгандир. Изотопга кирар эканман мен ё ҳаёт, ё мамот, дедим.

Билардим, ута хавфлилигини. Лекин ишлашим шарт эди. 25 ёшдаги биз уч йигит: муҳандис — Мезенцев Юра, Калко Серёжа ва мен — Маматохун Қатортерак ўғли Харьков автомобил йулар институтининг изотоп лабораториясида ишладик — 1962—65 йиллар. 1963 йили Юра изотоп сақланган сейфни эҳтиётсизлик қилиб очди. Натижада бирин-кетин турган уччаламиз ҳам нурландик. Бирдан Юра узини орқага ташлади, мен ва Серёжа ҳам узимизни чеккага олдик. Афсус, кеч эди. Бир неча кундан кейин бизни



Ҳақида дарслик

радиологический касалхонага олиб кетишди. 90 килолик Юра бир ойда 45 килога, 80 вазли Серёжа 40 кг. га тушиб қолди. Ва иккиси ҳам бир ой ичида бирин-кетин дунедан куз юмди. Оллоҳ сақлаган шекилли, фақат менгина қул пайларим қийшайиши билангина қутулиб қолдим. Шундан кейин мен уша ерда 1969 йилгача қолдим. Докторлик ишини ёқлашга рухсат булмади. «Керагидан ортиқ» нурланибсан, «етарли» — дейишди. Тошкентга келгач, Абрамов (рем, каф. бошлиғи) — изотоп лабораторияси очсанг, ишга оламиз, — деди. Мен, нурланганман, дедим.

— Булмаса иш йўқ, деди у киши. Хомуш трамвайда кетаётсам, академик Гуломжон Зокиров билан учрашиб қол-

дик. У киши Нархозга олиб борди ва домлалик фаолиятим бошланди, дарс бера бошладим... Мана, ҳозир яна дарсликлар ёзаяпман. Куриб турибсизки, узимизнинг автомобилларимиз Тико, Дамас, Нексиялар чиқаяпти, улар ҳақида дарсликлар ёзилиши керак. Тез эмас, 5 йилда бир китоб ёзаман, ҳозиргача 7 та китобим чиқди. Ҳа, энди буниси диний китоб булди. Масжидларга бепул тарқатдим. Ахир, энди менга пул керак эмас, савоб керак. Илм — узни билмакдир, узингдан утдинг — етдинг, дегани рост экан... Энди билсам, илмга аслида пул учун кирмаган эканман...

Урол УЗБЕК.

УСТАХОНАДА
ТАК—ТУҚ...


Азиз уқувчилар! Таътилда ҳунар урганнинг, буюм ясаб, сотиб, ота-онангиз ёнига 4 та нон кутариб келинг. Ахир меҳрибонларингиз ҳар кунни халталаб кутариб келадилар-ку?

Келинг, ёзда гишт қолипи ясаб, сотиб кураимиз. Ёки гишт қуйиб, иморат ясашга ҳисса қушамиз.

Узингиз ясанг-чи. Юпқа тахтанинг гишт қолипи 3 хил булиб, 3 талик, 4 таликдир.

Узунлиги 84 см, Эни 7 см, қалинлиги 2 см, 2 дона рейка. Кундаланг тахтаси узунлиги 28 см, эни 7 см, қалинлиги 2 см, дастаси узунлиги 30 см, эни 3 см, қалинлиги 3 см.

Қолип тайёр булгач, асос тешикли тахта, устида эни 2 смликдаги юпқа, зангламас оқ тунука, лента тасма билан михлаб қуйсангиз, чидамли, синмас булади.



Муттасил меҳр ёғдуларига беланиб, илоҳий манзаралар огушида усмоқ қандай бахт!

Нодиржон асли водийдан. У жаннатмакон боғу бустонларни, айниқса, узи туғилиб усган қишлоғи Йилгинзорни жуда севади.

Шу сабаб булса керак, I-синфга қадам қуйгандан оқ кадрдон жойлар суратини чиза бошлади.

— Дастлаб чизганларим жуда оддий, ҳатто ибтидоий, ранглар қоришиқ, буёқлар чапланган эди, — деб эслайди у биз билан суҳбатда. — Кейин рангларни таний бошладим. Шоир айтмоқчи: «дунё рангин экан ва мен уйлагандан кура рангинроқ». Шу кунларда қулимга қилқаламни олар эканман, ҳаяжон ва завқнинг зуридан «дунё гузал экан

Табриклаймиз

ва мен уйлагандан кура гузалроқ» деб қуяман, — жилмаяди у. Манзаралар шунақа файзли, ҳатто айтиш мумкин-ки, шунақа илоҳийки, «Рангин лаҳзалар» муаллифи,

шоир Шавкат Раҳмон нечоғлик ҳақ эканлиги га

қайта-қайта иқрор булмоқдаман:

Хотиржамлик, вазминлик керак, Чизган маҳал олам тасвирин. Ҳар чечакда худо бор, бешак, Ҳар гиеҳда худо яширин...

Табиат ошиғи Нодиржон энди буш вақт топди, дегунча, расмлар чизишга утиради. Унинг «Ҳовлимиз», «Сингимнинг қуғирчоғи»,



«Қишлоқда баҳор» номли расмлари кишини ҳаяжонга солади.

Ҳозир Фарғона вилояти, Учқуприк туманидаги 38-мактабнинг 9-«А» синфида билим олаётган Нодиржон узини қийнаётган, ташвишга солаётган Орол дардини қалбдан ҳис қилиб, «Сув ва бола» мавзуида қатор расмлар чизди. Ва Республика иқтидорли болаларининг 6-слети голиби булди.

Маъмура
МАДРАХИМОВА.

Слёт
ҒОЛИБИ

Таниқли ижодкор, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзамга "Меҳр нима узи?", — деб савол бердик.

— Яхшилаб уйлаб қаралса, борлиқ, таъбир жоиз булса, бирор-бир нарса меҳрсиз бунёд булмайди. Демокчиманки, дарахтлар ҳам нимагадир, масалан, кўш меҳрига интилади. Демак, ёруғликка, ёруғ дунёга талпинади.

— **Меҳр кучи ҳақида...**

— Меҳр кучи шунчаликки, кўнғиз уз боласини «оппогим» деб эркалайди. Қоп-қора боласини-я. Демак, меҳри бор. Полапони хавф остидаги чумчуқнинг чирқиллашини кузатганмисиз? Шунақа чирқиллайдики... Чумчуқни чирқиллатган, зумда безовтаю бесаранжом қилиб қўйган оналик меҳри, меҳр кучи булмай, нима? Эндигина қузилаган совлиқни кургансиз. Оёққа турулмаётган, довдираётган боласини шунақа ялаб-юлқайдики... уша пайт қани яқин борингчи? Қуй булсаям, шохи булмасаям, шохламоқчи (туқмоқчи) булади. Ювош, безабон қуйки, шохламоқчи булгач... бу меҳр булмай, меҳр кучи булмай нима? Ёки... эй, мисоллар минглаб, миллионлаб. Дарахтда, жониворда, ҳайвондаки меҳр шунчалик экан, ана

энди одамзод меҳрини, меҳр кучини узингиз тасаввур қилаверинг. Меҳр кучи шундайки, одамнинг уз худбинлигини ҳам (доимий ва ажралмас ҳамроҳ — худбинликни-я!) унуттиради. Мен сизга яна бир

ГИ, ТАЪМИ, ТУСИ ҚАНДАЙ? — дея савол кўяр эди. **Ўша қаҳрамоннинг юқумли, антиқа саволини бироз ўзгартириб айтсак: МЕҲР. РАНГИ, ТАЪМИ, ТУСИ ҚАНДАЙ?**

— Меҳр— таъми ширин, ранги иссиқ, туси ёқим-

Меҳр кучи



ли, ҳатто жозибали. — **Қиссаларингиз, романларингиз, юзлаб ҳикояларингиз — ноёб сўз санъаткори сифатида сизни ўқувчига аллақачоноқ танитган. Сизнингча, қайси сўзлар малоҳатлироқ: таъми-ширин, ранги-иссиқ, туси-жозибали? Қайси сўзларни ёмон кўрасиз? (Баъзан асар тили учун ёмон сўзларни ёзувчи ишлатишга мажбур бўлиб қолишини ҳисобга олиб айтяпман).**

— Аввало, ёзувчи мен ёмон курган сўзни ишлатдим, дейишга ҳаққи йўқ. Сўзлар унинг иш қуроли. Нима учун маълум бир сўзни эмас, бошқа бир сўзни ишлатиши — у бошқа нарса. Зинҳор яхши ё ёмон кургани учун эмас. Айтилмоқчи фикрлар қисқароқ, лундароқ, аниқроқ, таъсирлироқ, маълум матн руҳига мосроқ булиши учун танланади, сўзлар. Сўзлар оҳорлироқ булса,

— **Меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, меҳр-муҳаббат сўзлари кўпинча бирга ва албатта меҳр сўзи доимо олдинда. Нима дейсиз, нега шундай-а?**

— Негаки, шу сўзлар меҳрдан пайдо булган. Меҳр бирламчи. Меҳр булмаса оқибат ҳам, муҳаббат ҳам булмасди.

— **Дарвоқе, гапимиз меҳр-муҳаббатга тақалар экан, машҳур қиссангиздаги қаҳрамонингиздан бири: МУҲАББАТ. РАН-**

Илм — ўзни билмоқдир

янада яхши. Дарвоқе, сўзларни ёмон куришга ёзувчимизми, ёзувчи эмасмизми ҳаққимиз йўқ. Негаки, сўзнинг ёмони йўқ. Туғри, унинг орқасидаги тушун-

курганимизда-чи? Албатта биз ишлатадиган сўзлар бошқача булар эди. Шунингдек, эътибор берганмисиз, жоҳилларнинг, баъзи тудаларнинг, баъзи табақаларнинг тили бутунлай бошқача, улар сизу бизнинг тилимиздан туғридан-туғри кулишади. Бу руҳ тупорилигининг нишонаси, жоҳиллик белгиси, албатта.

— **Дарвоқе, СЎЗ, МЕҲР ва ТУЗУМ ҳақида нима дейсиз? Улар бир-бирига боғлиқми?**

— Албатта боғлиқ. Жамиятда бухрон булса, сўзлар ҳам дағалроқ, меҳр ҳам камеброқ булар экан. Жамиятда аҳиллик кўп булса, малоҳатли сўзларни кўп ишлатамиз, меҳрга кўп дуч келамиз. Хуллас, жамият соғлом булса, сўзга меҳр, жамиятга меҳр кучайиб, жамият ёмон булса, аксинча меҳр сусаяр экан.

— **Бир йил, бир ой, бир соат, бир кун аввал кўрган меҳрингиз ҳақида нима дея оласиз? Сизга меҳр кўргазяптиларми?**

— Бир йил, бир ой, бир кун, бир соат олдин агар одамлардан меҳр курганимда мен бир кун ҳам яшамас, яшай олмас эдим...

Сухбатдош:
Умарали ЖАМОЛОВ.

ҲАҚИҚИЙ ҲИЙИН БҮЛДИ

Қаллага оширилган туп уз маконини беҳато топиб борди. 10-«Б» синфда «машҳур тупурар» номини олган Дадажон Маматхужаевга яна олқишлар еғилди. Ҳисоб: 2:1. Шу куни 10-«Б» синф футболчилари Қаюмжон Утбосаров ва Худойберди Ёдгоров хотирасига бағишланган Хотира турнирида голиб топилди. 1-уринга футбол тупи, 2-уринга сервис-чинни идишлар туплами, учинчи уринга волейбол тупи ва 6-мактаб жамоасининг фахрий ерликлари топширилди. Голиблар синф раҳбари Фароғат Аҳмадҷонова кучоғига отилар экан, улар қувончини сўз билан таърифлаб булмасди. Фароғат опанинг «яшанглар, узимнинг ишончли углонларим» деган сўзи ёш футболчиларга яна ҳам катта мукофот булди.


Фарходжон ҚОДИРОВ,
Андижон вилояти,
Балиқчи туманидаги 6-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



Диққат, пиёда!

Мақтабимизда турли тадбирлар утказилиб турилади. Лекин, барчасини ҳам қизиқиб томоша қила олмаймиз. Чунки, баъзилари қизиқарли, баъзилари зерикарли. Яқинда булиб утган тадбир эса барчасидан узгача булди. Туманимиз буйлаб утказилаётган «Диққат, пиёда» рейди мақтабимизда ҳам иш олиб борди. Рейд натижасида синф ўқувчилари орасида «Яшилчироқ» йул ҳаракати хавфсизлигига оид мусобақа булиб утди. Рейдни бошқараётган туман йул патруль хизмати катта нозир, милиция капитани Турғунбой Ризасев рейд давомида боғчаларга, мақтабларга амалий ёрдам курсатдилар. Транспорт қатнови, йуловчи ҳаракати кўп булган жойларга янада кўп хавфсизлик белгилари қуйилди. Рейд ташкилотчилари биз мақтаб ўқувчиларига, нафақат йул ҳаракати хавфсизлиги буйича тушунча бериб қолмай, балки синф хоналарини ремонтга ҳам ёрдам бердилар. Бир синфхонамиз поли жудаям яроқсиз аҳволда эди. Полни янгилаб, синфхонамизни биттага кўпайтириб бердилар. Шу кунларда «Диққат, пиёда» рейди қушни мақтабларда ҳам давом этмоқда.

Шехроз ЭГАМБЕРДИЕВ,
Чинобод шаҳридаги 3-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



Эртакни эшитгунча, Юмилиб борди кузим. Мультифильм ҳам зур жуда... Ушлаб қоляпман узим.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ёш ижодкорлар давраси» ташкил этилганига ҳали қуп вақт бўлмади. Бу даврда давра кенгайиб, қизиқарли бўлиб бормоқда. Унинг, иштирокчилари орасида мактаб ўқувчилари, ёш ва таниқли шоирлар, бошқа касбда меҳнат қилиб, қалам тебратаётган ҳаваскорлар ҳам бор. Бизнинг мақсадимиз: даврадаги ҳар ким — бошловчи ҳам, ҳаваскор, профессионал ижодкор ҳам узи истаган нарсаларини шу ердан топсин. Машгулотлар мушоира, дарс, сабоқ каби шаклларда утказилади.

«Ёш ижодкорлар давраси»га вилоятлардан ҳам мактублар, машқ-асарлар келиб турибди. Биз қуйида «Тонг юлдузи» учун мамлакатимизнинг турли жойларидан келган шеъррий асарларни махсус сараладик. Муаллифлар ва уларнинг шеъррий салоҳияти ҳақида шеърларнинг узи маълумот берали, дея уйлаймиз.

«Ёш ижодкорлар давраси»
раҳбари Салим АШУР.

САВОБНИ БИЛАМАН

— Тарвунни шошқалоқлик билан шоша-пиша еясан. Одоб билан, ёнингдагиларга қараб, шошмасдан егин. Ҳар бир қаричини тозалаб есанг, савоб булади, уғлим, — дея танбех берди ота.

— Савобни биламан, далажон. Ҳамма қўлини артгач, ча-



ла қаричларимни шошилмай тозалаб чиқаман-да...

ИЧНИ КЎРГАНМИСИЗ?

Мевали дарахтга келиб қунган зағизгон олазарақ.

— Ойи қаранг, жуда чиройли куш экан, — унга ҳаваси келди Алининг. Ойиси қараса зағизгон мевани чуқшига шайланиб турибди.

— Тезроқ ҳайда у яшшамагурни, усти чиройли булса ҳам, ичи қора унинг, — деди онаси Алига.

— Ие, ойижон бу қушнинг ичини қурганмисиз? — ажабланди Али.

СЕНГА ЁРДАМЛАШАМАН

— Мен муҳим иш билан бандман, — деди Нури уртоғига. — Анорин битталаб, санаб, кейин еяман.

— Хоҳласанг ёрдамлашиб юбораман, — деди уртоғи айёрона қулиб. — Сен санаб турасан, мен еб тураман...

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ТИНИҚ СОЙ

Соғинтириб куйдинг, сой,
Сузларимга қулоқ сол,
Тунда чиққан тулин ой,
Сендан олди ширин бол —
Эй гузал сой, тиниқ сой.

Тогдан кучиб келасан,
Богни қучиб келасан,
Лола гуллар бугзига —
Ширин сувинг қуясан,
Эй тилсим сой, тиниқ сой.

Шарорадан шағиллаб,
Шаршарадан шариллаб,
Гуе учиб келасан
Дилга қучиб келасан,
Хайрли кел, сулув сой,
Юртим булсин тинч чирой.

БАҲОР

Олам нурларга тўлди,
Атроф гулларга тўлди.
Қувончим бениҳоя
Бодом гули тўкилди.
Замин — кўк, зангор — осмон,

Куй ва нур сочиқ ҳар ён,
Борлиқ уйғониб аста,
Бойчечак тутар даста.

ВАТАН МЕҲРИ

Истиқлол гулларин
оламга ёйиб,
Барқ уриб яшнасин
ёруғ келажак,
Дунёдагибарча ёмонни койиб,
Келинчақлар тутсин
олтин беланчақ.

Авлод-аждодаларинг эдилар
юксак,
Қалқон Темурларинг
тинчликдан дарак.
Мирзо Улугбеклар улуг
эдилар
Бизнинг Ватан учун
истиқлол — юрак.

Гавҳар РАҲИМОВА,
Қашқадарё вилояти, Ко-
сон туманидаги Ойбек номли
16-макабнинг 8-синф ўқувчи-
си.



ТУН

Тун кумилиб сокин
сукутга
Кузатади Сайёрамизни.
Ва санчади момиқ булутга
Осмон, ёрқин
юлдузларини.

Алла айтар тун
ҳам уксиниб
Эркалайди кўзларни
сунг бор
Ой куйлайди,
куйлайди тулиб
Ёгдулари ёруғ тонг мисол.

МАШРАБ

Қай юлдузга булдинг
ишқибоз,
Балки бунга ишқ
булган сабаб,
Булганмикан меҳр
розинг оз,
Дилбар, сенга
боқмади Машраб.
Қай тун сенинг
висолинг уйлаб,
Ширин тушлар
булибди ҳамроҳ?
Ишқ аҳлига
вафодор Маглаб,
Тополмадинг бир
қалбдан паноҳ
Шу сабабли балки сен шоир
Булгандирсан
девона Машраб?
Ҳаётингдир ибратга доир
Шоир булгум
балки сен сабаб!

Муниса ЮНУСОВА,
Тошкент шаҳри.

Ҳадемай қадрдон мактабларда сунгги қунгироқлар янграйди. Таътил бошланади.


Таътил ўқувчи учун шунчаки буш ВАҚТ эмас, уни ҳеч қандай режасиз утказиш ҳаётимиздаги қимматли фурсатларни сувга оқизишга тенг. Ҳамма бола ҳам оромгоҳларга бора олмайди. Ҳамма боланинг ота-онаси сайру саёҳатга олиб чиқишга қодир эмас. Хуш, шунда ўқувчиларимиз қандай қилиб янги ўқиш йилига жисмоний ва ақлий қувват туплайдилар?

Бу саволга жавоб излаётганлар учун пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманига қарашли Мирзакалон Исмоилий маҳалласи ташаббуси ҳақида гапириб бергим келади. Бирмунча фурсат олдин бу маҳаллада таътил пайтида 17-, 18-, 64-, 99-мактабларда таълим олаётган

ўқувчиларни маҳалла фаолларидан бири бош бўлиб, икки гуруҳга ажратди. Гуруҳларга «Туркистон» ва «Турон» дея ном қуйилди. Маҳалла тўйхонаси теграидаги

ёйилиб кетгунча ухлаб ётмасдилар, сахар туриб, стадионга чопардилар. Кечқурун эса маҳалла тўйхонасида махсус ажратилган хонага кириб эски ёзувдан, Қуръони Карим қи-

МЕҲР ҚУЧОҒИДАЙ ИССИҚ ЁЗ КЕЛСА...



дарахт, гул утқазилган майдон ҳам иккига бўлинди. Ҳар гуруҳ уз ерига тахтача илиб, номини ёзиб қуйди. «Турон» ва «Туркистон» болалари ёлғиз ерга қараш, дарахт ва гуллар парвариши буйича эмас, жисмоний соғломлик, исломий таълим буйича ҳам баҳслашадиган булишди. Болалар таътил экан деб кун

роатларидан таълим олишарди. Уша таътилда болалар бир неча бор мусобақа утказдилар. Бу мусобақаларни катталар ҳам томоша қилишди. Дам олиш кунлари болалар учун жуда мазмунли кечди. Айнан шу тарзда булмаса ҳам ёзни маҳаллада болалар учун қизиқарли утказиш ҳақида уйлаш керакка ухшайди.

Бунда катталар эмас, болаларнинг ўзлари ҳам фаолроқ булса, янаям яхши.

Ахир ўзларининг кераги-

ЁЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

кина бир эзгулик ҳам қанча катта меҳнат эвазига келишини урганардилар...

Бу бир таклиф, холос. Маҳалла фаоллари бир галгина катталарни эмас, болаларни йигиб, уларнинг истак, иштиёқлари, фикрлари билан қизиқса, бундан ҳам зур таклиф, ташаббуслар айтилишига ишончим комил.

Шундай эмасми, азиз болалар?

Балки йигилишни «Тонг юлдузи» саҳифаларида ташкил қилармиз, қароримизни ота-оналаримиз билан баҳам қурармиз. Рози булсангиз, бизга хат ёзинг.

Ёзни уз маҳаллангизда утказишни хоҳлармидингиз? Қандай?

ҚУТЛИБЕКА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРФИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0296. 11960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўттиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25

